



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2010 йил 17 июль, № 141 (5056)

Шанба

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

## БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН

# ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ



**19 йил**  
**Мамлакатимизда бевосита Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, хусусан, хорижий сармоядорлар учун яратилиб берилаётган қўлай инвестициявий муҳит натижасида иқтисодийимиз йилдан-йилга юксалиб бораёпти. Жойларда қўлаб янги корхоналар ишга туширилиши, мавжудлари техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланиб, модернизация қилиниши эса, ўз навбатида, экспортбўл маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига, қўлаб янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилмоқда.**



2010 йил 16 июлда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида республикани иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари муҳокама этилди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан 2010 йил 29 январда республика Ҳукуматининг мажлисида белгилаб берилган 2010 йилда мамлакатни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

иқтисодий ўсишнинг мақсадли параметрларига мувофиқ иқтисодий тармоқларини барқарор кредитлаш учун кредит ресурсларининг узоқ муддатли манбаларини жалб этиш, банкларнинг капиталлашувини ошириш ва уларнинг инвестиция фаоллигини кенгайтириш бўйича қабул қилинган Ҳукумат қарорларининг бажарилиши батафсил кўриб чиқилди.

Мажлисда мамлакат иқтисодиётини ислоҳ қилиш ва модернизациялашни, ундаги таркибий қайта ўзгаришларни давом эттириш ва чуқурлаштириш, 2009 — 2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш ҳамда шу асосда иқтисодий ўсишнинг юқори ва барқарор суръатларини, унинг макроиқтисодий мутаносиблигини таъминлаш ва самарадорлигини юксалтириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг натижалари ҳар томонлама кўриб чиқилди ва чуқур таҳлил қилинди.

Қайд этилдики, кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида аҳоли омонатлари ҳажми йил бошидагига нисбатан 41,8 фоизга ўсди, банкларнинг ресурс базаси сезиларли даражада мустаҳкамланди, бу эса кредит қўйилмалари 30,3 фоизга ўсишини таъминлаш имконини берди. Ҳисобот даврида ўзлаштирилган инвестиция кредитлари ҳажми 2,3 баравар кўпайди.

Тижорат банклари раҳбарларининг ҳисоботларида банкларнинг ресурс базасини янада мустаҳкамлаш ва иқтисодийнинг реал сектори корхоналарини, айниқса, янги замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, ишлаб турган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошираётган корхоналарни, шу жумладан, банкларнинг балансларида берилган банкрот корхоналар негиздаги лойиҳаларни кредитлаш орқали қўлаб-қувватлашни кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди.

Мамлакатни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларини, шу жумладан, иқтисодий тармоқлари ва соҳаларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича дастурий чора-тадбирларни сўзсиз амалга ошириш юзасидан кўрилаётган тадбирлар 2010 йилнинг биринчи ярим йиллигида янги ички маҳсулотнинг 8,0 фоизга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмининг 8,0 фоизга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 11,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг 6,9 фоизга, қурилиш ишлари ҳажмининг 11,5 фоизга, чакана товар айланмаси ҳажмининг 10,3 фоизга, кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 10,9 фоизга ўсишини таъминлаганини қайд этилди.

Мажлисда иқтисодий, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш лойиҳалари амалга оширилиши, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар қурилиши батафсил кўриб чиқилди.

Кўшлок аҳоли пунктларида жойлашган 223 та ер массивида намунавий лойиҳалар бўйича 6800 та уй қурилиши амалга оширилди, уларнинг 2010 йил учинчи чорақда фойдаланишга топширилиши мўлжалланмоқда, янги қишлоқ тураржой массивларига туташ 213,9 км. узунликдаги ташқи муҳандислик тармоқлари ва коммуникацияларини қуриш тугуланди. Ҳисобот даврида қурилиш ва пардозлаш материаллари ишлаб чиқарувчи 116 та янги корхона, шу жумладан, 25 та йиш ишлаб чиқарувчи корхона ишга туширилди.

Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки, «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компаниясига «Давар» архитектурилиш» кўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2011 йилда қишлоқ жойларда янги намунавий лойиҳалар бўйича яқна тартибда уй-жой қуриш дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш топширилди.

Кун тартибидagi масалаларни муҳокама қилиш давомида иқтисодий тармоқлари ва соҳаларининг экспорт салоҳиятини ошириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлигини таҳлил қилишга алоҳида эътибор берилди. Экспорт қилувчиларни ҳар томонлама қўлаб-қувватлаш ва янги сотиш бозорларига фаол кириб бориш ҳисобига экспорт ҳажмининг 14,3 фоизга ўсиши таъминланганини ҳамда ташқи савдо айланмасининг сезиларли миқдордаги ижобий салдосига эришилганлиги қайд этилди. Мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари томонидан ҳисобот даврида жаҳоннинг 139 мамлакатига, шу жумладан, 26 янги мамлакатга товарлар ва хизматлар экспорт қилинди.

Ҳалқаро ва давлат аҳамиятига эга умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қуриш ва таъмирлаш дастурини бажариш доирасида, шу жумладан, Ўзбекистон миллий автомагистралари устакаларини қуриш объектиларида 190,6 млрд сўм ёки 2009 йилнинг биринчи ярим йиллигидагига нисбатан 1,8 баравар кўп маблағ ўзлаштирилди, йўлбўйи инфратузилмаси ва сервис объекти қурилишда ва фойдаланишга топширилмоқда. 2010 йилнинг биринчи ярим йиллигида Навоий шаҳрининг халқаро аэропорти орқали юк ва йўловчи ташини ҳажми 22 фоизга ўсди, «Ангрен» логистика маркази ўз фаолиятини бошлади.

Ушбу масала бўйича вазирлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар раҳбарлари олдида экспорт маҳсулотлари (ишлар, хизматлар)нинг турларини янада кенгайтириш ва ҳажмини кўпайтириш, ташқи савдо инфратузилмасини ривожлантириш, сотишнинг аъёнани йўналишларида мавқени мустаҳкамлаш ва янги хорижий бозорларни ўзлаштириш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди. Мажлисда Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида

Мамлакатимизда бевосита Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, хусусан, хорижий сармоядорлар учун яратилиб берилаётган қўлай инвестициявий муҳит натижасида иқтисодийимиз йилдан-йилга юксалиб бораёпти. Жойларда қўлаб янги корхоналар ишга туширилиши, мавжудлари техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланиб, модернизация қилиниши эса, ўз навбатида, экспортбўл маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига, қўлаб янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилмоқда.

### Модернизация

Айтиш жоизки, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 12 январдаги «Самарқанд чой қадоклаш фабрикасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан қайта ташкил топган Самарқанд чой қадоклаш хорижий корхонасини ҳам тобора ривожлантиришга жамоалардан ҳисобланади. Гап шундаки, корхона Ҳиндистонда

тайёрланган замонавий чой қадоклаш ускуналари билан жиҳозланган, ишлаб чиқариш ҳажми кескин ошди. Масалан, дастлабки йилларда 2678,7 тонна чой қадоклаш бўлса, ўтган йили мазкур кўрсаткич 17515 тоннага етказилди. Жорий йилда эса 17800 тонна сифатли хушбўй чой қадоклаши режалаштирилган.

— Ҳозирда хом ашёни, асосан, Ҳитой ва Ҳиндистондан олаётимиз, — дейди корхона раҳбари Абдусалом Раҳимов. — Цехларимиздаги 26 та замонавий чой қадоклаш ускунаси ёрдамида юмшоқ плёнка ва картон қутиларида 50 турдаги чой қадокланади. Фабрикада яқин пайтда 325 нафар ишчи меҳнат қилаёпти. Бундан ташқари, яна 17 киши

касаначилиқ асосида ишга жалб этилган. Корхонанинг маркетинг ва муҳандислик хизматидаги ходимлар бозор ва истеъмолчилар эҳтиёжини ўрганган ҳолда чой маҳсулотларининг янги турларини ишлаб чиқариш, уларни замонавий дизайндаги ўрамларда қадоклаш ҳамда сифатини янада яхшилаш борасида,

доимо изланишда. Буларнинг бари Самарқанд чойининг харидорлигини оширишга хизмат қилаёпти.

Абдусалом САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТДА: корхона фаолиятидан лавҳа.

Ҳасан ПАЙДОВ олган сурат.

### Нигоҳ

Энг улуг, энг азиз байрам — Ватанимиз муқаддаслигининг ўн тўққиз йиллигига қатта тайёргарлик кўришмоқда. Президентимиз қарори асосида бу гапга байрам шодиёналари «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» деган эзу гоини мужассам этгани билан теран маъно-мазмунга эга.

### ҚАДРИЯТЛАР УЛУҒЛАНГАН ЮРТ

Зотан, истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ юртимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш йўлида амалга оширилаётган жайли ишлар юксак самара бермоқда. Буни халқаро жамоатчилик, юртимизга ташриф буюраётган меҳмонлар ҳам эътироф этмоқда. Уза муҳаббир дунёнинг турли мамлакатларидан кўна ва хамиша навқирон Самарқанд зияратига келган айрим сайёҳларнинг фикрлари билан қизиқди.

Брис МАРТИН (Бельгия): — Ўзбекистон (Бельгия) бор келишим. Мехмондўст халқингиз, қадимий ва замонавий меъморчилик аъёналарини ўзда мужассам этган гўзал шаҳарларингиз ҳамда қатта таассурот қолдирди.

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕК АВТОМОБИЛСОЗЛИГИНИНГ ДОВРУФИ

Жаҳоннинг санокли давлатларида автомобиль ишлаб чиқарилади. Бундан 14 йил муқаддам 19 июль санасида Президентимиз ташаббуси билан Асака шаҳрида биринчи ўзбек автомобиль заводи ишга туширилиб, Ўзбекистон ана шу мамлакатлар сафидан жой олди. Марказий Осиё минтақасида ягона бўлган мазкур завод халқимизнинг фахру ифтихорига айланди.

Мана, 14 йилдирки, кўчаларда елдек елиб юрган «Ласетти», «Нексия», «Матиз», «Дамас» сингари енгил машиналар аҳолиимизнинг юксак интеллектуал салоҳияти, мамлакатимиз қудрати ва иқтисодий юксалишидан сўзламоқда.

Дарҳақиқат, бугун ўзимизда ишлаб чиқарилган автоулов кириб бормаган оила, маҳалла, қишлоқ деярли қолмади. Улар халқимизнинг узоғини ақин, мушуқлини осон қилмоқда. Ўзбек автомо-

билларига ташқи бозорда ҳам талаб ортиб бораётгани, айниқса, қувонарлидир. Чунки ҳамон давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози автомобиль созлик саноатига ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Оқибатда дунёнинг йирик автоконцернларида ҳам ишлаб чиқариш суръати кескин тушиб кетди. Шундай мураккаб бир шароитда «GM Uzbekistan» кўшма корхонасида ишлаб

### Ифтихор

ортиқ мамлакатларга экспорт қилинаётгани бунинг исботидир. Айни пайтда МДҲнинг 104 шаҳрида ўзбек машинасини сотиш билан шуғулланувчи қўлаб савдо корхоналари фаолият юритмоқда. Юртимизда ишлаб чиқарилаётган машиналар ташқи кўриниши, ички беағи, мус-

таҳкамлиги, тежамкорлиги ва хавфсизлиги билан аллақачон автоишқибозларнинг меҳрини қозongan. Европа Бизнеси ассоциациясининг автомобиль ишлаб чиқарувчи қўмитаси маълумотларида келтирилишича, 2010 йилнинг биринчи ярмида «GM Uzbekistan» Россияда 32 мингдан ортиқ автомобиль сотган. Мазкур кўрсаткич 2009 йилнинг шу давридагига нисбатан 17 фоиз кўпдир. Бундан кўрнаники, компаниямиз Россияда энг кўп сотиладиган автомашиналар қаторидаги ўрнини янада мустаҳкамлади.

(Давоми 2-бетда).

Истиқлол йилларида тадбиркорликни қўлаб-қувватлаш, хорижий сармоядан унумли фойдаланиб, замонавий технологияларни жорий этиш туғайли ишлаб чиқариш кўлами кенгайтирилмоқда.

## ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ОШМОҚДА

Натижада нафақат ички эҳтиёжини қондириш, балки ташқи бозорга сифатли маҳсулотлар чиқариш имконияти яратилди.

Хусусан, Навоий шаҳрида Швециянинг «SWE PUS GROUP AB» компанияси томонидан таъсис этилган корхонага тўлиқ хориж сармояси жалб этилди. Унинг устав жамғармаси дастлаб 463 минг АҚШ долларини ташкил этган бўлса, эндиликда бу миқдор 704 минг АҚШ долларига етди.

Корхонада саховатли заманимизда етиштирилаётган ширин-шакар ўрик ҳосили илгор технологиялар ёрдамида қайта ишланиб, ундан ўттиз фоизлик қайнатма олинмоқда.

— Дунёда ҳамон давом этаётган молиявий-иқтисодий инқирозга қарамасдан, корхонада ўз пайтида ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастурининг амалга оширилаётгани барқарор иқтисодий ўсишнинг муҳим омил бўлиб қолмоқда, — дейди Навоий шаҳридаги «Кизилқум саховати» чет эл корхонаси раҳбари Равшан Жуманов. — Бу муддатда жамоамиз маҳсулот ишлаб

(Давоми 2-бетда).

## ИСТИҚЛОЛ ЯРАТГАН ИМКОНИЯТ

Футбол мухлисларига бир ой давомида олам-олам ҳаяжонли лаҳзалару қутилмаган натижаларни туҳфа этган XIX жаҳон чемпионати ҳануз дунё жамоатчилиги диққат марказида турибди. Кўзга кўринган экспертлар, мутахассислар, нуфузли нашрларнинг шарҳловчилари мундиаль баҳсларини, унда рўй берган ҳолатларни атрафчила таҳлил қилиб, ўз фикр-мулоҳазаларини, баҳоларини билдиришмоқда. Биз учун аҳамиятли жиҳати шундаки, Жанубий Африка

Республикаси мезбонлик қилган тўрт йилликнинг мазкур спорт байрами билан боғлиқ мавзулар орасида ҳамюртимиз Равшан Эрматов ва унинг ёрдамчилари номи ҳам алоҳида тилга олинмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Жаҳон чемпионатида ҳакамлик қилиш учун тақлиф этилган Ўзбекистон вакили ўзига билдирилган ишончини оқлаб, мусобақа кашфиёти бўлди. Унинг фаолиятига нисбатан билдирилаётган муносабатлар

### Фахр

тўғрисида гап кетганда, биргина мисolini келтириб ўтишни истардим. Машҳур «Форбс» нашри ЖАРда ташкил этилган мусобақанинг ўнта энг муҳим воқеаси рейтингини эълон қилди. Унда жабулани (мундиаль тўпи), вузузёлалар муаммоси, 2006 йилги жаҳон чемпионати финалчиларининг инқирози, юлдуз футболчиларнинг гол кирита олмагани каби ҳолатларга эътибор қаратилган. Ушбу рўйхатда «Фантастик ҳакамлик» сарлав-

ҳаси билан Равшан Эрматовнинг номи ҳам қайд этилган. Яъни ўш бўлишига қарамай, энг кўп ўйинни бошқаргани ва деярли хатога йўл қўймагани юқори баҳоланган. Бундай эътирофлар, шубҳасиз, ҳар биримизни руҳлантиради. Кеча Равшан Эрматов «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари тахририятида меҳмон бўлди. Ана шу учрашувда бўлган сўхбатни эътиборингизга ҳавола этаимиз.

4-бетга қаранг.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мажлисининг кун тартиби доирасида нақд пул айланишини янада такомиллаштириш, нақд пул тушумини банк кассаларига тўлиқ тушишини таъминлаш ва пластик карточалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши муҳокама қилинди. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш доирасида чиқарилган пластик карточалар ва ўрнатилган терминаллар сони 2009 йилнинг шу давридагига нисбатан мос равишда 38,7 фоизга ва 66,5 фоизга ошди, шунга мувофиқ, пластик карточалар орқали нақд пулсиз тўловлар ҳажми 2,7 баравар кўпайди.

Мажлис иштирокчилари томонидан нақд пулсиз муомалани кенгайтириш ҳамда пул маблағларининг банкдан ташқари айланиши сабабларини бартараф

этишга йўналтирилган қўшимча чора-тадбирлар кўриш муҳимлиги қайд этилди.

Мажлисида иқтисодиётнинг базавий тармоқлари, ҳўжалик бир-лашмалари ва йирик корхоналарнинг барқарор ишлашини, молиявий мустақамлигини ва рақобатбардошлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш дастурларини сўзсиз бажариш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техника ва технология жиҳатдан қайта жиҳозлаш, маҳаллийлаштириш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан кўрилатган чора-тадбирларнинг натижадорлиги ҳар томонлама кўриб чиқилди.

ФАО инвестиция сиёсатининг давом эттирилиши 7,1 трлн. сўм миқдоридagi инвестицияларни ўзлаштиришни, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўтган йилнинг биринчи ярим йиллигидагига нисбатан 1,3 баравар кўп ўзлаштиришни таъминлашга қўйилган қўшимча чора-тадбирлар кўриш муҳимлиги қайд этилди. Иш-

лаб чиқаришни техник модернизациялаш бўйича 108 та лойиҳани амалга ошириш тугалланди, шунингдек, 529 та ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди.

Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари фаолиятини танқидий таҳлил қилиш давомида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техника қайта жиҳозлаш ва диверсификациялашга доир дастурий чора-тадбирлар бажарилишини сўзсиз таъминлашга доир аниқ вазифалар кўйилди.

Тармоқларнинг рақобатбардошлиги даражасини янада ошириш мақсадида Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси тикланishi ва тараққиёт жамғармаси, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компаниясига иқтисодиёт тармоқларида энергия сийғимини қисқартириш ва энергияни тежаш тизимини жорий этиш бўйича ўрта муддатли

истиқболга мўлжалланган қўшимча чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш топширилди.

Мажлисида 2010 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури бажарилишини, шунингдек, умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини касб-хунар коллежлари ва академик лицейларга тўлиқ қабул қилишни таъминлаш, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш ишларининг натижадорлигини муҳокама қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Аниқ мақсадларга йўналтирилган чора-тадбирлар кўрилиши натижасида 2010 йилнинг биринчи ярим йиллигида 509 мингтадан ортиқ иш ўрни, шу жумладан, қишлоқ жойларда 350 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этиш таъминланганлиги қайд этилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар,

туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар раҳбарлари олдига, биринчи навбатда, ташкил этилаётган иш ўринлари сонини кўпайтириш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш, шунингдек, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларини, айниқса, қишлоқ жойлардаги битирувчиларни ишга жойлаштириш ҳисобига аҳоли бандлиги ва даромадларини янада оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар кўриш бўйича аниқ вазифалар кўйилди.

Республика Ҳукумати мажлисида қиритилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди, уларда 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

(ЎЗА).

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида депутатлар корпуси фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг жамият ривожидagi иштироки ва масъулиятини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган эди.

## ДАХЛДОРЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Ўртбошимиз белгилаб берган устувор вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2010 йил ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури қабул қилинди. Шунингдек, Олий Мажлис Сенати Кенгаши маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга қўмаклашувчи комиссияни ҳам тўзди.

Мазкур комиссия, ай-тиш жоизки, мамлакатимизни ижтимоий-

қаратмоқда. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси билан ҳамкорликда туман ва шаҳар прокурорларининг жиноятчиликка қарши курашининг аҳоли тўғрисидаги ахборотларини тегишли халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида тинглаш, ахборот якунлари бўйича эса ушбу масалаларни Комиссияга ёрдам берувчи ишчи гуруҳи мажлисида муҳокама қилиш каби қатор тадбирларни амалга оши-

### Жараён

Албатта, бундай тадбирлар маҳаллий Кенгашлар депутатларининг масъулиятини оширишга муҳим аҳамиятга эга. Қорақалпоғистон Республикасида Жўқорғи Кенгес ва маҳаллий Кенгашларга сайланган 526 нафар депутат фаолият олиб бормоқда. Улар қонунчиликда кўзда тутилган ўз вазифаларини доирасида қорхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларининг қонун ҳужжатларини ижро этиш бўйича ҳисоботларини ҳам эшитиб бормоқда.

Депутатлар фаолиятида яна бир йўналиш — депутатлик сўровидан самарали фойдаланишдир. Жўқорғи Кенгеснинг 80 нафар депутатидан 15 нафари, тегишли идораларга депутатлик сўрови билан мурожаат қилиб, уларнинг ижобий ечимини топди. Эеро, депутат нафақат сайловчилар билан ҳокимиятни боғлаб турувчи, балки улар кўтарган масалаларни ҳокимият органлари олдига қўювчи, ўз сайловчиларига Ўзбекистонда, унинг туман ва шаҳарларида амалга оширилаётган кенг бунёдкорлик ишлари ҳақида ахборот берувчи шахс ҳамдир.

Шу билан бирга, ҳар бир депутатнинг ўз сайловчилари билан турли учрашувлар ўтказиши айна заруратдир. Негаки, ана шундай тадбирларда мамлакат ҳаётига дахлдор айрим масалаларнинг ечимига доир аниқ тақлифлар бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Билдирилган тақлифларни ўрганиб чиқиш депутатнинг давлат ишларига, ўз сайловчилари ҳаётига дахлдорлик масъулиятини янада ошишига ёрдам беради.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини кучайтиришга қўмаклашувчи комиссиясига Қорақалпоғистон Республикаси бўйича ёрдам берувчи ишчи гуруҳини тўзди. Ишчи гуруҳининг биринчи мажлисида 2010 йил учун мўлжалланган иш режаси тасдиқланиб, аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Комиссия халқ депутатлари Шуманай ва Тахтакўпир туманлари Кенгаши ва уларнинг доимий комиссиялари иш жараёнини ўрганиб, Чимбой, Тўрткўл ва Мўйноқ туманлари ишчи гуруҳларининг маҳаллий ҳокимият органлари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор

Шу маънода, давлатимиз раҳбари қайд этганидек, бугунги кунда сайловчи ўзи сайлаган депутатлар ва сенаторларга, ислохотлар тақдирини учун масъул бўлган барча инсонларга катта ишонч билан қарамоқда. Бундай қонун ишонч оқлаш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Гулистон АННАКИЛИЧЕВА, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати.

### Яхши хабарлар

Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш борасидаги илғим ҳаракатлар натижасида Турарқорғон туманининг яна олти маҳалласи экологик тоза ичимлик сувидан бартараф бўлди.

### Зилол сув келди

Турарқорғондаги ичимлик суви тармоқларини кенгайтиришда Европа Иттифоқи ва БМТ Тараққиёт дастурининг «Фарона водийсида аҳоли турмуш даражасини ошириш дастури» доирасидаги лойиҳалар қўл келмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида шу йўналишда 96,2 миллион сўмлик қийматдаги 6 та лойиҳа рўёбга чиқарилиб, 6,5 километр узунликдаги янги тармоқлар фойдаланишга топширилди. Бунинг натижасида 9,5 минг аҳолининг сув таъминоти яхшиланди.

Қ. НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Етти хазинанинг бири

Пешку туманидаги «Хамро Раҳмон чорва» фермер ҳўжалиги негизда паррандачилик йўлга қўйилди.

Ҳўжалик бунинг учун «Микрокредитбанк»дан 44 миллион сўм миқдоридa кредит олди. Шу маблаг эвазига уч минг бош зотдор парранда ҳамда зарур жиҳозлар харид қилинди. Саъй-ҳаракатлар натижасида чакки эмас. Фермер ҳўжалиги қисқа давр ичида аҳоли дастурхонига бир тонна парранда гўшти ва 65 минг дона туҳум етказиб берди. Туманда жорий йилда паррандачиликка иқтисослаштирилган яна учта ферма ташкил этиш кўзда тутилган.

И. ИБРОХИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Фермернинг тикув цехи

Фориш туманидаги «Бўстонул муслимин» фермер ҳўжалиги негизда тикувчилик цехи иш бошлади.

Фермер Абдуғофир Ясапов банкдан олган 15 миллион сўм кредит ҳисобига хорижий замонавий бичиш-тиқиш машиналари ва бошқа зарур ускуналарни олиб келиб ўрнатди. Туман марказида ташкил этилган мазкур цехга 12 нафар хотин-қиз ишга жалб этилиб, турли кийим-кечаклар тайёрлана бошлади. Айниқса, зардўлик буюмлари ва махсус ишчи кийим-бошларига талаб ортиб борапти.

Эътиборли жиҳати шундаки, туманда фермер сартароҳхона, этикдўзлик, компьютер ва телевизор тузатиш устанонаси ҳам фаолият кўрсата бошлади.

У. АДДИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

## ҚАДРИЯТЛАР УЛУҒЛАНГАН ЮРТ

Шарқона одоб, бағрикенглик, меҳнатсеварлик ва самимийлик каби фазилатлар инсонни улуглашга хизмат қилишини халқингиз қиёфасида аққол кўриш мумкин.

Ўзбекистон — буюк аجدодларига муносиб тарзда улуг мақсад ва вазифалар билан буюк келажак сари дадил одимлаётган мамлакат. Тошкент, Бухоро ва Самарқандда бўлиб, тарихан қисқа вақт ичида шунчалик улкан ишлар амалга оширилганидан ҳайратландим. Энг муҳими, бундай ўзгариш, янгиланиш жараёнларида инсон манфаатлари, унинг фаровонлигини ошириш асосий устувор мақсад қилиб қўйилган. Буларнинг барчаси мамлакатингиз танлаб

олган мустақил тараққиёт йўли нақадар тўғри эканининг ёрқин тасдиғидир.

**Жоржетта ДЕЗОРНЕ хоним (Швейцария):** — Юртингиз билан танишиб, Ўзбекистон ҳақидаги тасавурларим бутунлай ўзгарди. Ўзбекистон барқарор ривожланаётган мамлакат эканига гувоҳ бўлдим. Мустақиллик йилларида мамлакат қиёфаси, инфратузилмаси, одамлар турмуш тарзи бутунлай ўзгарган. Кўчаларда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган замонавий автомобиллар, тўқин бозорлар, одамлар юзидagi теҳнолологиялар асосида барча со-

ҳаларда ўсишга эришилаётганининг аққол ифодаси, бугун дунёда эътироф этилган тараққиётнинг «Ўзбек модели» самарасидир.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, юртингизда ёшлар таълим-тарбиясига қаратилаётган катта ташаббуслар камдан-кам давлатда учрайди. Шунга муносиб тарзда, ёшларнинг билим олишга, замонавий касбларни ўзлаштиришга иштиёқи баланд экан. Бундай ёшларга ҳавас қилса, улар билан фахрланса, арзийди.

**Бруно ГИЛЛОНО (Франция):** — Тошкентда, Самарқандда бўлиб, Ўзбекистонда

миллатлараро тотувлик, бағрикенглик барқарор эканига гувоҳ бўлдим. Мамлакатингизда барча миллат ва элат вакиллари аҳил-иноқ турмуш кечирмоқда. Бундай дўстлик нафақат турмуш тарзи, ҳатто тарихий обидалар ва бугунги бунёдкорлик ишларида ҳам ўз аксини топган. Хусусан, Бухоро ва Самарқанддаги тарихий обидаларнинг бунёд этилиш тарихини сўзлаб беришганда, уларнинг қурилишида турли мамлакатлардан уста ва хунармандлар қатнашганини билиб олдим. Бу обидаларда турли меъморчилик анъаналари уйғунашиб, ўзига хос архи-

тектурга юзага келгани ёрқин намоян бўлиб турибди. Айни пайтда бугунги бунёдкорлик ишлари бу тарихий анъана изчил давом этаётганидан далолат беради.

Юртингизнинг бетакрор табиятини кўриб, ширин-шакар меваларидан тотиб, бу ўлка, ҳақиқатан ҳам, жаннатмонанд эканига амин бўлдим. Бозорлардаги тўқин-сочинлик, одамлар юзидagi мамнуният бу дийрда энг азиз неъмат — тинчлик ва хотиржамлик барқарорлигининг белгисидир.

ЎЗА мухбири **Ғолиб ҲАСАНОВ** ёзиб олди.

## ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ОШМОҚДА



(Давоми. Боши 1-бетда).

чиқариш миқдорини уч бараварга кўпайтиришга эришди. Агар 2008 йилда

жами 426 тонна ўрик қайнатмаси тайёрланган бўлса, ўтган йили бу миқдор 1246 тоннага ташкил этди. Айниқса, ёз неъматини се-

роб бўлган бу йилда қорхона мутахассислари Навоий ҳамда Бухоро вилоятларидаги деҳқон-фермер ҳўжаликлари билан туз-

ган шартномага мувофиқ, ўрик ва помидор маҳсулотларини харид қилишгаётди. Айни пайтда қорхонада 150 нафар ишчи-хизматчи

меҳнат қилмоқда. Жамоа ўтган йили 500 тонна ўрик қайнатмасини Россияга сотиб, 300 минг АҚШ долларига эга бўлди. Жорий йилги мақсади эса ўрик қайнатмаси ва помидор пас-тасини бир миллион АҚШ долларини миқдоридa экспорт қилишдан иборат.

Мазкур маҳсулотлар «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» тамғаси остида жўнатилмоқда.

Қорхонада 2011 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш-ни 30 фоизга кўпайтириб, таннархини 20 фоизга камайтириш кўзда тутилган. Зеро, бу ҳудуднинг экспорт салоҳиятини ошириш ва маҳсулот турини кўпайтириш устида қатъий иш олиб боришга ундамоқда.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.** СУРАТ: қорхона ҳаётидан лавҳа.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

## ЎЗБЕК АВТОМОБИЛСОЗЛИГИНИНГ ДОВРУҒИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Энг илғор технологик ускуналар билан жиҳозланган заводда модернизациялаш ишлари изчил олиб борилмоқда. Бу эса халқаро стандартларга тўла жавоб берадиган юқори сифатли, ҳар томонлама қулай, энг муҳими, юксак техник хусусиятларга эга машиналар тайёрлаш имконини берапти. Дастлабки йилларда «Тико», «Дамас», «Нексия» русумидаги машиналар ишлаб чиқарилган бўлса, кейинчалик «Нексия» ва «Дамас»-

нинг такомиллаштирилган русумлари ҳамда «Матиз» ва «Ласетти» моделларини тайёрлаш ўзлаштирилди. Айниқса, сўнгги йиллар қорхона ҳаётида янги даврни бошлаб берди. Гап шундаки, «GM Uzbekistan» қўшма қорхонасида ишлаб чиқарилаётган моделлар урилганиб ва такомиллаштирилиб, уларнинг сафига «Шевроле» туркумига кирувчи «Такума», «Эпика» ва «Каптив» сингари автомобиллар қўшилди.

— Мамлакатимизда автомобил-

га қаратилаётган алоҳида эътибор, айниқса, тизимда Инқирозга қарши чоралар дастурининг ижроси таъминланаётгани тўғрисида шундай муваффақиятларга эришилапти, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, қорхона бош директори ўринбосари Маврутали Раджапов. — Кейинги йилларда ишлаб чиқариш янада такомиллаштириш мақсадида соҳага янги техник гоёлар, илғор инновациялар лойиҳалар изчил татбиқ қилинмоқда. Шу билан бирга, ўз тақдирини автомобилсозлик саноати билан боғлаган юзлаб мутахассис-ҳодимлар хорижий давлатларда, жумладан, Жанубий Корея, Хиндустон, Германия, Япония, Чехия, Польша, АҚШ каби мамлакатларда малака ошириб келдилар. Буларнинг барчаси ишлаб чиқариш ҳажмининг тобора ўсишини таъминлаяпти.

Чиндан ҳам, 1996 йили заводда жами 25300 та энгил машина ишлаб чиқарилган бўлса, орадан кўп ўтмай, яъни 2008 йилнинг кузига келиб, миллионинчи автомо-

билъ конвейердан тушди. Ўтган йили эса 205011 замонавий автомобилни йиғишга муваффақ бўлди. Бу ўзбек автомобилсозлиги жадал ривожланаётганининг амалдаги исботи эмасми?!

Автомобилсозлик соҳасида бой тақрибга эга давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларининг мустақамланиши натижасида автомобиль эҳтиёт қисмлари ва бутловчи буюмлари ишлаб чиқаришга иқтисослашган қўлаб қўшма қорхоналар ишга туширилди. Пировардида бугунги кунда зарур эҳтиёт ва бутловчи қисмларнинг асосий қисми ўзимизда тайёрланмоқда.

Қўшма қорхона жамоаси Мустақиллигимизнинг 19 йиллигини муносиб байрам туғдаси билан нишонлаш ниятида гайрат-шиқоят билан меҳнат қилмоқда. Гап шундаки, айни кунларда бу ерда янги «М-300» русумли автомобиллар туркуми устида ишлаб чиқариш олиб борилаётди. Шу мақсадда пресслаш цехи техник ва технологик жиҳатдан тубдан янгиланди.



### Интилиш

Яқкабоғлик тадбиркор Юсуф Темиров аҳоли буюртмаси бўйича меъбел хижозлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

### Буюртма бўйича мебеллар

Тадбиркор мебелсозликнинг энг замонавий дизайнини асосида кўркам ва бежирим рўзгор буюмлари тайёрлаётгани боис маҳсулотларга талаб кундан-кунга ортиб борапти. У ҳожида 13,5 минг АҚШ долларига янги замонавий ускуна олиб келиб ўрнатилган мебеллар сифати ҳамда дизайни янада яхшиланди. Натижада тайёрланаётган маҳсулотларга нафақат аҳолидан, балки қорхона ва ташкилотлардан ҳам кўлаб буюртмалар туша бошлади.

Тадбиркор йил охирига қадар фаолиятини янада кенгайтириб, 10 та иш ўрни яратишни кўзда тутган. Фахриддин БОЗОРОВ.

С. РАҲМОНОВ, О. ШОДМАНОВ, «Халқ сўзи» мухбирлари.



ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИНИНГ

«Омад» пул-буом ютуқли, тиражли лотереяси бўйича 2010 йил 15 июлда Термиз шахрида ўтказилган 1-ютуқлар тиражининг

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Мазкур ютуқлар тиражида 1 та разряд бўйича умумий суммаси 750 006 873 сўмлик 85 900 та пул-буом ютуқлари ўйналди. Ютуқлар тиражи лотереянинг бир разряди бўйича ўтказилди. Серия рақами 013325, билет рақами 003\* бўлган лотерея билети суперютуқ «EPICA» автомобиль ютуғи чиққанлиги кўрсатилган. Серия ва рақами худди шундай лотерея билетининг иккинчи разряди бўйича ҳам шундай ютуқ чиққан ҳисобланади.

Серияси ва рақами қуйидагича бўлган лотерея билетларига ютуқлар чиқди:

Table with 3 columns: Серия рақами, Билет рақами, Ютуқ номи. Contains lottery results for series 000023 to 002350.

Table with 3 columns: Серия рақами, Билет рақами, Ютуқ номи. Contains lottery results for series 002366 to 005070.

Table with 3 columns: Серия рақами, Билет рақами, Ютуқ номи. Contains lottery results for series 005108 to 007643.

Table with 3 columns: Серия рақами, Билет рақами, Ютуқ номи. Contains lottery results for series 007652 to 010075.

Table with 3 columns: Серия рақами, Билет рақами, Ютуқ номи. Contains lottery results for various prize categories.

Table with 3 columns: Серия рақами, Билет рақами, Ютуқ номи. Contains lottery results for various prize categories.

Table with 3 columns: Серия рақами, Билет рақами, Ютуқ номи. Contains lottery results for various prize categories.

Table with 3 columns: Серия рақами, Билет рақами, Ютуқ номи. Contains lottery results for various prize categories.

Изоҳ:\*) шу сериянинг қолган 99 та билет рақамларига 1 000 сўмдан ютуқ чиқди. Буюм ютуқли лотерея билетлари Халқ банки филиаллари томонидан экспертизага қабул қилинади ва ютуқлар экспертиза хулосасига кўра тўланади.

Хайъат раиси — Термиз шаҳар ҳокими ўринбосари Масыул котиб — Халқ банки Пул муомаласи департаменти директори ўринбосари

Р. Ф. КАТТАЕВА. М. Ж. САЙДОВ.

МАЛАНИЯТ хабарлари

Нукусда "Яғонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқич бўлиб ўтди.

Танловда Ватан мадҳи

Унда таниқли қўшиқчи ва мусиқа дасталарида ташқари, шаҳар ва туманлардан келган истеъдодли ижроичилар ҳам иштирок этишди.



(Давомир. Боши 1-бетада.)

— Жаҳон чемпионатида ҳамюртимизнинг бош ҳакамлардан бири сифатида иштирок этиши барида ўзбекистонликлар учун қувончли янгилик бўлди.

ИСТИҚЛОЛ ЯРАТГАН ИМКОНИЯТ

га ҳар томонлама — ҳам руҳан, ҳам жисмонан тайёр эди. Бу ласизми, баҳадан бир-икки кун олдин ФИФАнинг оммавий ахборот воситалари билан ишлаш бўйича масъул вақили қўлимга қатор хорижий нашрларда бизнинг мазкур ўйинчи бошқаришга тайинланганимиз ҳақида чоп этилган мақола ва шарҳларни тўқатишди.

фигрлари энди бутунлай ижобий томонга ўзгарганди. — XIX жаҳон чемпионати айрим ҳакамларнинг қўпол хатолиридан ҳам холи бўлмади. Ана шундай вазиятларга чек қўйиш мақсадида замонавий техника имкониятларидан (видеотакрор, тўпга сенсорли чип ўрнатилиш) фойдаланиш кераклиги ҳақида турли хил фикрлар билдириляпти. Сиз бунга қандай қарайсиз?

ОБ-ҲАВО (17 июль)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёнғингарчилик бўлмайдми. Кечаси 17-22, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади.

Ҳидоят АХМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ажойиб тўхфа

Хоразм вилояти кўчирчоқ театри жамоаси болаларнинг таътил кунларига мўлжаллаб ажойиб тўхфа ҳозирлади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат кўмитаси

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Хоразм вилояти филиали бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

2010 йил 17 август кунин соат 11.00 да Урганч шаҳри, Й. Бобононов кўчаси, 23-уйда ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

ХАЛҚ СЎЗИга ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 9.00 дан 18.00 гача 236-09-25

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Сифат" маркази жамоаси Хоразм ҳудудий лабораторияси бошлиғи Муҳаммад Матқужабович Собировга ўли А.Д.Х.М.нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи Народное слово МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 603. 40468 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТАХРИРИЯТГА КЕЛГАН ҚЎЛЪЗМАЛАР ТАҚРИЗ ҚИЛИНМАЙДИ ВА МУАЛЛИФГА ҚАЙТАРМАЙДИ. РЕКЛАМА МАТЕРИАЛЛАРИ УЧУН ТИЖАРАТ ЖАВОБГАР ЭМАС. ГАЗЕТА ТАХРИРИЯТ КОМПЬЮТЕР МАРКАЗИДА ТЕРИЛДИ ҲАМДА ОПЕРАТОРЛАР Ж. ТОҒАЕВА ВА М. БЕГУРАТОВ ТОМОНИДАН САҲИФАЛАНДИ.